

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг махсус вакили, ХХР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Цяо Цзунхуай 11 август кuni Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Элёр Ғаниев билан учрашди.

Музокарада Ўзбекистон-Хитой муносабатлари давлатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувларга мос равишда изчил ривожланиб бораётгани, ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда фаоллашганга қайд этилди. Хусусан, шу йилнинг июлида Тошкентда ўтган Ўзбекистон-Хитой бизнес-форуми кўплаб самарали натижалар билан якунлангани таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатлари янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)




ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 12 август, жума № 127 (1968)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



«Андижонавтойўл» бирлашмаси бунёдкорлари курган раво йўллар бугунги кунда ҳар бир йўловчи қалбида йўлсозлар меҳнатидан қониқиш ҳиссини уйғотмоқда. Корхона шу йилнинг ярим йили мобайнида 4 километр ўрта, 61 километр тўла таъмирлаш ишларини бажарди. Бу ерда ишловчилар меҳнати доимо моддий ва маънавий рағбатлантириб борилмоқда. Жумладан, шу йилнинг олти ойида уларга туланган овқат пули 45 миллион 124 минг сўмни ташкил этди. Касаба уюшма кўмитаси томонидан 600 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ишловчиларнинг 12 нафар фарзандлари «Автомобилчи» оромгоҳида дам олдирилди.

Суратларда: бирлашма ишчилари фаолиятдан лавҳалар.

И.ХАСАНОВ олган суратлар

## «НАВРЎ» ТАМФАСИ БИЛАН

Ўзбекистон туманидаги «Наврў» кичик корхонаси бундан ўн йил муқаддам юмшоқ мебеллар ишлаб чиқаришга киришган эди. Утган йиллар ичида корхонанинг фаолият доираси тобора кенгайиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпайди, сифати ҳам яхшиланди. Бугунги кунда «Наврў» белгиси билан чиқаётган маҳсулотларга талаб катта.

Кичик корхонада олтмишга яқин киши меҳнат қилмоқда. Ун беш турдан ортик мебеллар буюртма асосида мижозларга етказиб берилмоқда. Корхона жамоаси бу йил 100 миллион сўмлик мақта ва офис мебеллари, бошқа ҳаридориги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ниятида меҳнат қилмоқда.

«Наврў» маҳсулотлари ҳозир водий вилоятларида ташқари Бухоро ва Тошкент бозорларида ҳам жўнатиляпти.

## ЛОЙИХА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Коракалпоғистонда кейинги йилларда Германиялик ҳамкорлар билан кишлоқ ҳўжалиги, қуёсун, қораччилик ва паррандачиликни ривожлантириш, шунингдек, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда.

Лойиҳа менежери Брент Зайтц бу ерда амалга оширилётган ишлар билан яқиндан танишган. Тахтақўйир, Қораўзақ ва Чимбой туманларида навбатдаги қўл насослари, очиқ қудуқлардаги ичимлик суви параметрларини аниқловчи ускуналарни топширди.

2003 йилдан бери Хоразм ва Қоракалпоғистонда ушбу лойиҳа бўйича иш олиб бораётгани, дейди Брент Зайтц. Фермерларга суви кам талаб қиладиган экинлар, асосан картошка, қунабоқар, маккажўхори экиш тавсия қилиниб, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш усуллари изланилмоқда. Лойиҳага қўра, Тахтақўйир, Қораўзақ ва Чимбой туманларида 250 дон суви чиқарадиган қўл насослари ўрнатилиб берилади. Амударё ва Қонлиқ туманларидаги 8 та фермерга имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

## ИНСОН ҲАЁТИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир», деб мустақамлаб кўйилган. Бундан ташқари Асосий Қонунимизнинг 13-моддасига қўра «Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади».

Шу боис ўлим жазосини бекор қилиш, биринчидан, санаб ўтилган конституциявий қоидаларни ҳаётга тўла таъбиқ этишини аниқлатади; иккинчидан, инсон ҳаётининг олий қадрият эканлигини яна бир бор тасдиқлайди; учинчидан, бу борадаги жаҳон ҳамжамиятидаги таъвоилларга тўла мос келади.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда мулақо янги суд-ҳуқуқ тизими шакллантирилди. Суд-ҳуқуқ ислохотлари босқичма-босқич, тадрижийлик тамойили асосида изчил амалга оширилмоқда. Шу маънода «Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишнинг энг муҳим вазифаси жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиний жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириш ҳисобланади», дейилади Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонида.

## Президент Фармонини ўқиб

Ушбу Фармонни уч нуқтаи назардан, биринчидан, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим тарихий воқеа; иккинчидан, суд-ҳуқуқ ислохотларининг узвий таркибий қисми ва муҳим босқичи; учинчидан, Ўзбекистонда шакллантирилган адолатли ва инсонларвар фуқаролик жамияти сари қўйилган қадам деб баҳолаш мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам маъзур Фармонга биноан Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан жиний жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинади ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий қилинади. Демак, салкам икки ярим йилдан сўнг ўлим жазоси бекор қилинади. Бу мударат зарурийдир. Чунки бу мударат ичида уч йўналишдаги масалаларни ҳал қилиш лозим бўлади.

Биринчи йўналиш – ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган зарур қонун ҳужжатларини тайёрлаш кўзда тутати. Гап Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Жиноят-ижроия кодексига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар ҳақида кетмоқда. Бу тақлифлар Адлия вазири, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазири, Миллий хавфсизлик хизмати томонидан 2006 йилнинг 1 январига қарата тайёрлашни лозим. Бу уч кодексга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар, биринчидан, ҳозирги вақтда ўлим жазоси тайинлашга йўл қўядиган жиноятлар содир этган шахслар учун озодликдан маҳрум этишининг аниқ мударатларини, иккинчидан, бундай жиноятлар учун жазо тайинлаш, озодликдан маҳрум этиш мударатларини изоҳлаш тартиб, шунингдек, ўлим жазоси ўрнига жорий этиладиган жазоларни ижро этиш тартиби ва шартларини ва учинчидан, умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинладиган судларни аниқ белгилаб беришга қара.

Иккинчи йўналиш – ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини қамраб олади.

## Биринчи сентябр яқин

биносига туташ 12-мактабда биринчи кўнғироқ эшик қоқётганига қарамай ўзгаришларни қўриқиб келди. Билсак, маҳаллаликнинг хотин-қизларидан Робияхон Мадаминаева экан. Синглимиз шарқона удум тизимизга қўра ҳашарчиларни тушлик билан сийлагани қадам ранжиди қилган экан.

Ичкари ва ташқаридаги иситиш, тоза ичимлик суви тизимлари, қозонхона кузги-қишки мавсумга шай ҳолга келтирилган. 8 та синф хонасида сўнги пардозлаш, деразаларга ойнақ солиш, полларга ишлов бериш юмушлари боряпти. Ўқув-лаборатория жиҳозлари таъмирдан чиқарилган. Афсуски, мактаб-интернат

дустурхон кўтарган аёл кириб келди. Билсак, маҳаллаликнинг хотин-қизларидан Робияхон Мадаминаева экан. Синглимиз шарқона удум тизимизга қўра ҳашарчиларни тушлик билан сийлагани қадам ранжиди қилган экан. Ичкари ва ташқаридаги иситиш, тоза ичимлик суви тизимлари, қозонхона кузги-қишки мавсумга шай ҳолга келтирилган. 8 та синф хонасида сўнги пардозлаш, деразаларга ойнақ солиш, полларга ишлов бериш юмушлари боряпти. Ўқув-лаборатория жиҳозлари таъмирдан чиқарилган. Афсуски, мактаб-интернат

## КРЕДИТ

Олмалик шаҳрини ободонлаштириш, турли хилдаги халқ эҳтиёжи моллари ва кундалик ҳарид маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ҳусурий тармокнинг аҳамияти бекиёс бўлмоқда. Янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, қурилишлар бунёд этилиб, шаҳар кўчалари кўрақлашиб бормоқда. Бунда тадбиркорларга берилаётган кредитлар қўл келмоқда.

Республика савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти бўлимининг Олмалик шаҳар филиали бу борада ташкилотчилик ишларини амалга оширмоқда. Бугунги кунда филиалда 400 та кичик бизнес субъекти рўйхатга олинган. Уларнинг 60 нафари тадбиркорлардир. Филиалга мувожаат этган тадбиркорларга ахборот-маслаҳат маркази орқали ҳамма ҳужжатлар тайёрланади. Банк билан бўладиган муносабатларда унинг кўмағидан фойдаланилади. Биргина 2005 йилнинг ўтган олти ойида тадбиркорлик субъектлари шаҳардаги 4 та банкдан 700 миллион сўмлик кредит олишди. Бу маблағнинг ҳаммаси тармокни ривожлантириш, бугунги кун талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулотлар тадбиркорлик субъектлари ҳисобга олиб чиқдим, дейди у. Бунга яқини ният билан тўплаган маблағларнинг катта қисми сарфланди ва келгуси ишларини давом эттириш учун банкдан кредит олишимга тўғри келди. Бу ишда менга шаҳар савдо-саноат палатаси директори Форхун Саидалиев яқиндан ёрдам берди. 2 миллион 500 минг сўм қарз ёрдамида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шаҳобчаси кўрдим, атрофини гўлзор ва дарахзорга айлантирдим. Мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида электрон қурилмалари ускуна ўрнатдим. Ҳозирча 3 киши иш билан

## Имтиёз

банд. Келгусида иш ўринлари яна кўпайди. 2003 йилда «Дента +» саноатлик марказини очиш учун 20 миллион сўм кредит олган Собир Қосимов ўз фамилиясини Германиядан стоматологик ускуналар олиш

ихтисослашган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган неъматларга талаб ортиб бормоқда. Тадбиркор ўз фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида банкдан кредит олиш учун ҳужжат тайёрлади. У банк томонидан ажратилган 20 миллион сўм маблағнинг бир қисминини «Оҳангардон» ҳиссадорлик жамиятига ўтказиб, ун харид қилди.

И.Асраевнинг банкка тақдим этган бизнес режаси бўйича ишлаб чиқарадиган маҳсулотлардан 37 миллион сўм даромад қилиш кўзда тутилган эди. У бир йилга мўлжалланган кредит маблағининг фоизларини даромад ҳисобидан белгиланган мударатларга тўлаб бормоқда.

Тадбиркорлик халқнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда хизмат турини қиска фурсатларда ривожлантириш, ёки қайта ташкил этиш, янги фаолият турига ўта олиш демакдир. Бу халқимизнинг бугунги талабларини қондириш ва тўқинчилик йўлида энг муҳим воситалардан бири. Шу боис савдо-саноат палатасининг шаҳар филиали шаҳардаги 4 та банк маъмурияти билан бирага кредит учун тайёрланаётган ҳужжатларни ҳамда тадбиркорликнинг бизнес режаларини, уларнинг имкониятларини, тўлов қобилиятини ҳисобга олиб иш юритмоқда.

Ақбарали Эшонқулов ҳам шаҳар марказидаги бузилаётган 4 қаватли иморатнинг 1-қаватини сотиб олди ва кредит ёрдамида уни қайтадан қуришга киришди. Қундан-қунга кўрақлашиб бораётган ушбу бинодо охишна очилди. Энди бу ер тушлик маҳаллида ўзининг доимий мижозлари билан банд. Бинонинг кейинги хоналарида маший хизмат тармоклари очилиши кўзда тутилляпти.

Исомиддин Асраевга қарашли хусурий корхона ундан маҳсулотлар тайёрлашга

Т.ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» муҳбири

## Юртбошимизнинг «2004 - 2009 йилларда халқ таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастури тўғрисида»ги Фармонида янги мактаблар қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, синфхоналарни замонавий компьютер техникаси, дарсликлар, ўқув анжомлари билан жиҳозлаш, ўқитувчиларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Андижон вилоят ҳокимлиги, жойлардаги туман ва шаҳар ҳокимликлари, халқ таълими бўлимлари маъзур дастурнинг ижросини таъминлаш учун ҳаракат қилаётганлар. Эътиборлики, бутун жамоатчилик халқ таълими йўлидаги янгиликларни фарзандларимиз истиқбол, мамлакат тақдири, эртанги кунимиз билан чамбарчас боғлиқлигини чуқур тушуноқдалар. Вилоятда 774 та умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатаётган бўлиб, жорий йилда 91 та мактаб ва таълим муассасалари капитал ва жорий таъмирдан чиқарилиши белгиланган. Бунинг учун 11 миллиард капитал маблағ сарфланганлиги халқ таълими давлат сиёсати даражасига кўтарилаётганлигини кўрсатмоқда.

Избоскан туманида бўлганимизда бунга тўла иншон ҳосил қилдик. Шу кунин туман ҳокими Илхомжон Соборов бошлик назорат гуруҳи мактабларни

таъмирлаш режалаштирилган. Аини кунларда 2005 йил дастурига киритилган 23-умумтаълим мактабини янгилаш, 4-, 6-, 11-, 17 мактабларни реконструкция қилиш ҳамда 3-, 22 мактабларни капитал таъмирлаш ниҳоясига етай, деб қолди. Мактабларни янги ўқув йилига тахт қилиш учун 750

миллион сўмга яқин бюджет маблағлари ажратилган. Бунёдкорлик ишларини мактаблар қурилишлари тендер савдоларининг қўлибериш Избоскан 119-масъуляти чекланган қурилиш жамоаси, Избоскан таъмир-қурилиш, «Меъмор», «Лочин» ишлаб чиқариш фирмалари, «Таълим-таъмир» қурилиш ташкилотлари олиб боряптилар. Бош дуратчилар юксак масъулятини сезган ҳолда, суръат ва сифатни бўшаштирмадилар. Шу кунларда объектларда пардозлаш ишлари ниҳояланмоқда.

Қиш мавсумини иссиқлик манбаларисиз тасаввур қилмаймиз. 2 та қозонхона капитал ва жорий таъмирланди, 0,8 километр та-

шқи, 1,5 километр узунликдаги ички иситиш муҳандислиги иншоотлари қўлдан чиқарилди. Шунингдек, 38 та мактаб, 34 та болалар божчалари бинолари жорий таъмирдан чиқарилди. 11-, 17, 22-, 6-мактабларнинг баланд деворлари янгиланди. «Гузар» маҳалла ўраминида физика-математика фани ўқитишга ихтисослаш-

нафат техник ходимлар, яна 18 нафар мураббийларимиз таъмирлаш ишларида иштирок этиптилар. Том ёпиш юмушларини Одижон Турғунов каби қўли гул ўқитувчиларимиз бажардилар. «Мактаб-оила-мактаб» концепцияси бўйича ота-оналар кўмитаси самарали фаолият кўрсатяптилар. «Гузар» маҳалла йигини раиси

Турсунбой ака Убайдуллаев ҳамкоримизга айланган. Оқсоқол бошчилигидаги маҳалла хунармандлари мактабимизни жорий таъмирлашда жамоасини билан ёнма-ён меҳнат қилаётгилар.

Директор пайвандлаш, дурадгорлик, бўёқ ишларини бажаришда жонбозлик кўрсатган маҳалладошлардан Илхомжон Қамчиёв, Рустамжон Қўчқоровларнинг номларини мамнуэни билан тилга олди. Шу пайт бинонинг иккинчи қаватида қўймаланаётган хашарчиларга ниҳомимиз тушади. Ҳаммада байрамона кайфият. Радиодан мусиқа тарал-

## МАКТАБ ҚУРСАК, ЗЎРИНИ ҚУРАЙЛИК

дустурхон кўтарган аёл кириб келди. Билсак, маҳаллаликнинг хотин-қизларидан Робияхон Мадаминаева экан. Синглимиз шарқона удум тизимизга қўра ҳашарчиларни тушлик билан сийлагани қадам ранжиди қилган экан.

Ичкари ва ташқаридаги иситиш, тоза ичимлик суви тизимлари, қозонхона кузги-қишки мавсумга шай ҳолга келтирилган. 8 та синф хонасида сўнги пардозлаш, деразаларга ойнақ солиш, полларга ишлов бериш юмушлари боряпти. Ўқув-лаборатория жиҳозлари таъмирдан чиқарилган. Афсуски, мактаб-интернат

дустурхон кўтарган аёл кириб келди. Билсак, маҳаллаликнинг хотин-қизларидан Робияхон Мадаминаева экан. Синглимиз шарқона удум тизимизга қўра ҳашарчиларни тушлик билан сийлагани қадам ранжиди қилган экан. Ичкари ва ташқаридаги иситиш, тоза ичимлик суви тизимлари, қозонхона кузги-қишки мавсумга шай ҳолга келтирилган. 8 та синф хонасида сўнги пардозлаш, деразаларга ойнақ солиш, полларга ишлов бериш юмушлари боряпти. Ўқув-лаборатория жиҳозлари таъмирдан чиқарилган. Афсуски, мактаб-интернат

С.РЎЗИМТОВ, «Ишонч» муҳбири

# «БАХТЛИ АЁЛМАН ДЕСАМ ЯРАШАДИ»

**Президентимиз Фармон ва қарорлари тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ваҳоланки, илгарилари деҳқондан фақат режа талаб қилинарди.**

Мустақиллик биз каби деҳқонларга ҳам тадбиркорлик қилишга, мулкдор бўлишга имкон берди. 1999 йил фермер хўжалиги ташкил этдик. «Манас» агрохизмат маркази ҳудуддан 34 гектар ер олиб, ҳар йили галла, пахта экинлари экиб, мўмайгина даромад олиб келямиз. Биргина ўтган йили галладан 6 миллион сўм, пахтадан эса 15 миллион сўм соф фойда кўрдик. Бу йил 21 гектар галла майдонидан 61 тонна ўрнига 65 тонна сара дон сотдик. 6 миллионга яқин соф даромад олдик. 40 тонна галлани эса ишчиларимиз билан бўлишиб олдик. Режаларни уйдлашимизда ўз ички имкониятларимиздан фойдаланяпти. Ер ҳайдов, чопиқ тракторимиз бор. Шунинг учун ҳам барча дала юмушлари ўз вақтида бажарилади. 2 та шахсий

машинамизга эгамиз. Бугунги кунда жамоамизда 8 на-



фар киши меҳнат қилади. Бу йилги бугдой ҳосилидан уларнинг ҳар бирига 2,5-3 тоннадан дон тарқатдик. Битта кам таъминланган оиллага 500 килограмм бугдой бердик. Тадбиркорликдан оила-

## Бугуннинг одамлари

аъзоларимиз, ишчилар, ҳамқишлоқлар манфаат кўрапти. Тўйлар қилиб, уй қурапмиз, фаровонлигимиз янада ортапти. Дала бошида шинамгина дала шипони барпо этдик. Бог яратдик. 6 мингга яқин терак қўчалари экиб, парвариш қилаяпмиз. Кўп қатори мен ҳам хайр-

саховат ишлари қилаяпман. Авваллари, хўжалик тасарруфида бўлган, бир неча йиллардан бери қаровасиз, ташландиқ бўлиб ётган стадионни таъмирлаб, А.Навоий номи 5-умумий ўрта таълим мактаби ҳисобига ўтказиб бердик. Мактаб биносини таъмирлаш, кам таъминланган оила фарзандларини ўқув куроллари ва дарсликлар билан таъминлашга баҳоли-қудрат кўмак бериб келямиз. Кишлоғимизда дўкон очиб, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилишни йўлга қўйдик. Ишчи бўлиб ишлаётган Дилшод Худойбердиевни уйлантирдик. Яна бир ишчимиз Улғубек Эшдавлатов оиласига уй қуриб бердик. Яна шундай хайрли ишлар учун ҳар йили 4-5 миллион сўм маблағ сарфляймиз.

8 нафар фарзандим, 17 нафар неварам бор. Нимага-ки эришган бўлсам, фақат мустақиллик туфайли. Бахт топдим, камол топдим.

**Г.ЮЗБОЕВА, Дўстлик туманидаги «Юзбой ота» фермер хўжалиги раҳбари**



**Мирзабек табиатан гул шайдоси. У Жиззах вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бosh терапевт-каким, олий тоифали мутахассис. Керада ишламасин, ҳовлини гулзор қилмасан, кўнгли жойига тўшмайди. Ташландиқ, қаровасиз бирор қарич ер кўрса, ўзини кўрага жой тополмайди. Шундан бўлса керак, Жиззах шаҳридаги «Ешлик» маҳалласи ҳудудидан 10 сотих жой олиб, хусусий шифо маскани тиклашни олдиға мақсад қилиб қўйди. Тақлифини маҳалла фуқаролар йиғини раиси, шаҳар ҳокимлигидаги қўллаб-қувватлашди. Ер ажратилиб, 2003 йилнинг 1 июнида шифо маскани биносининг биринчи ғишти қўйилди.**

қилдим, - дейди у. - фар бемор доимий, 4 Шифокорларга раҳмат. нафар бемор кундузги Хизматидан мамнунман. ўринларда даволаниш имкони яратилган. 12 Хозир отдекман. Шароитлар жуда яхши. кунлик даволаниш учун Бемор Холбуви ая бемор 50 минг сўм атурофида пул тўлайди. Кўрбонова Зомин тума-

# Гўзаллик Шайдоси

- 22 хонадан иборат ушбу замонавий бино ҳамқишлоқларимнинг беминаат хашари билан битди, - дейди Мирзабек Давронов. - Алишер Исроилов, Уринбой Қўлдошев каби кўпни кўрган кишилар ишга бош-қош бўлишди. Натижада жорий йилнинг 1 мартда саломатлик маскани иш бошлади. Уни «Қанглишифо» даволаш-таъхис маркази, дея атадик. Олий тоифали шифокор Ражабали Уролов бosh ҳақим этиб тайинланди.

Ички касалликлар бўйича ихтисослашган ушбу саломатлик масканида М.Дувланова, А.Хазратқулов, Д.Қодиров, А.Уролов сингари жами 18 нафар малакали тиббий ходимлари меҳнат қилишади. Масканга қадам қўйишимиз билан бемор Ваҳоб Шокирвога дуч келдик. - Қон босимим ортитиб, бу ерга муружаат

нидаги Дуоба кишлоғидан келибди. 4 ўғил, 2 қизнинг онаси. «Кўп жойда даволандим. - Лекин бу маскан менга саранжом-сарийшалиги, сокинлиги, ходимларнинг ажойиб муомаласи билан кўпроқ ёқди. Барча шароит мўжайиб қилинган. Ҳаммаси учун раҳмат».

Яна бир бемор Лутфинон ая Тўпиева шундай дейди: - Мени қон босими, жигар хасталиги безовта қиларди. Худога шукр, дард чекинмоқда. Мана шундай шифо масканлари халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилаверсин.

Одамларнинг айтишича, хусусий шифохонада даволаниш унчалик қиммат эмас. Фирма ходимлари томонидан юқори малакали, сифатли тиббий хизмат қафолатланган. Ишлатилган дори-дармон қатий калкуляция орқали амалга оширилади. Бу ерда 16 на-

Бунга 3 маҳал иссиқ овқат, парҳез таомлар, дори-дармон, клиник ва биологик таҳлиллар, мутахассис маслаҳати ва бошқа хил хизмат ҳақлари киритилган. Беморлар учун дам олиш жойлари, ҳаммом, телефон тармоғи мунтазам ишлаб турибди.

Ўтган қисқа даврда 100 дан ортиқ киши масканимизга муружаат этди. 80 нафар киши даволаниб чиқди. Кунлик ўртача харажат ҳар бир беморга 4 минг сўмга тўғри келаяпти.

Ахил жамоа хусусий шифо маскани ҳовлисида мўъжазгина бог яратишга ҳам улгуришди. Эшитишимизча, Мирзабек эрта баҳорда ана шу ҳовлида 10 минг туп атиргул кўча ти етиштириб, танишбилешлариға бепул улашди.

**А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири**



## УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

**Элимизда қатта таъналар, тўймақралар олди-дан тураржойлар атрофи, маҳаллалар ва кўча-хйбонларни ободонлаштириш, саранжом-сарийшта холға келтириш учун хашарлар ўтказишдек эзгу одат бор. Ҳар йили энг улуг, энг азиз байраминиз - Мустақиллик кунидан юртимизда умумхалқ хашари ўтиши яхши анъанага айланган. Бу йил умумхалқ хайрия хашари 13-14 август кунлари бўлиб ўтади.**

Аслида мазкур тадбирга тайёргарлик анча илгари бошланган. Август юртимизда ободонлаштириш ойлғи деб эълон қилинган. «Ўз уйим, ўз маҳаллам» шиори остида ўтажак ушбу муҳим тадбирга бош-қош бўлиш Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, маҳаллий ҳокимликлар, қатор давлат ва жамоат ташкилотлари зиммасига юкланган.

Хашар давомида барча шаҳар ва туманлардаги кўчалар, майдон ва хйбонлар тартибга келтирилади. Маҳаллаларда, тураржой маззеларида, даҳалларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Йўллар таъмирланиб, асфальт ётқизилади. Сув ва канализация тармоқлари тозаланади.

Айни вақтда умумхалқ хайрия хашари кунлари қаровасиз қолган ёлғиз кексалар, серфарзанд ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олинади. Зарур ҳолларда уларнинг уй-жойлари жорий таъмирдан чиқарилади. Саховат ва Меҳрибонлик уйларини ободонлаштириш ва қайта таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Умумхалқ хайрия хашарида 13 миллиондан зиёд ватандошимиз иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

## МАҲАЛЛА МАСЛАҲАТЧИСИ

«Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси» кўрик-танловининг Навоий вилоят босқичида шаҳар ва туманлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг диний маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ўзаро куч синашди.

Улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»-ги фармони-нинг ижросини таъминлаш, тадбир-

корликни ривожлантириш борасидаги ва диний-дунёвий билимини намойиш этдилар. Ўз маҳаллаларида олиб бораётган ташкилий ва амалий ишлари ҳақида гапириб бердилар. Қизилтепа туманининг Тошпўлат Ҳамид номидаги маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Санобар Садинова Навоий вилоятидаги «Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси» деб топилди. У танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

## БЕПУЛ ДОРИ-ДАРМОН

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида бўлиб ўтган тадбир шундай номланди. У Республика са-

ломатлик институти, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят филиали ҳамда туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди. «Сихат-саломатлик» йили давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда аёллар, ўсимлар ва қариялар малакали шифокорлар кўригидан ўтказилди.

Касаллик аломати аниқланган ўнлаб беморларга жамғарманинг бепул дори-дармонлари тарқатилиб, айримларига туман, вилоят шифохоналарида даволаниш учун йўланма ва зарур маслаҳатлар берилди.

- Инсон жиноятчи бўлиб дунёга келмайди. Зеро, уни нотўғри тарбия, оиладаги бепарволик, ҳаётга лоқайлик ёмон йўлга бошлайди. Бирок, уни бу йўлдан қайтариш осон кечмайди, - дейди Наманган туман Ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Шермирза УСМОНОВ.



Жиноятнинг олдини олиш, унга қарши курашиш милиция ходимларининг ўз ишига нечоғлик масъулият билан ёндошишга ҳар жиҳатдан боғлиқ. Бу борада туман Ички ишлар бўлими ходимлари томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ижобий ўзгаришлар бўлгани қувонарли ҳолдир. Мавжуд 30 та милиция таянч пунктларида профилактика инспекторлари фаолият кўрсатишмоқдалар. Пунктлар ҳокимият, маҳалла фуқаролар йиғинлари, қолаверса, тадбиркорлар ёрда-

мида замон талабларига мос равишда жиҳозланди. Кутубхоналар радио-телевизорлар билан таъминланган. Дам олиш, ювенил хоналари санитария талаблари асосида қурилган. Туманда тунги навабчиликлар ўз вақтида ташкил этилган.



фари турли корхона ва фирма-ларда иш билан таъминланди ва ҳар бирига маҳалла фаоллари томонидан тарбиячилар бириктирилди.

Жаҳолатнинг умри қисқа, деган нақл бор. Шу йилнинг 13 май кунини Андижонда рўй берган нохуш воқеалар барча-

ни ташвишга солди. Айнан шундай қабиҳ нијятли қимсаларнинг борлиғи кишини янада чуқурроқ ўйлашга, сергақроқ бўлишга ундайди. Шу босис бўлим биносида хизмат хоналарини кўпайтириш мақсадида вилоят ички ишлар бошқармаси,

маҳаллий ҳокимият, қолаверса, тадбиркорлар ҳамкорлигида хашар йўли билан яна бир бино қуриб битказилди. Буларнинг ҳаммаси юрт тинчлигини таъминлаш йўлидаги ишларни жонлантириш имконини беради.

**С.АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири**

# Юрт тинчлиги йўлида БЕМАҲАЛДА ЮРГАН КИМ?

Ўтган даврда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни қамайтириш, қидирувдаги жиноятчиларни ушлаш, фуқароларнинг қўлида бўлган ноқонуний қуролларни аниқлаш каби бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Ички ишлар бўлими ҳисобида турган шахслар билан яқка тартибда профилактик ишлар олиб борилди.

Тунги пайтларда гаразли нијятли шахсларнинг кириб келишининг олдини олиш мақсадида жамоатчилик масканлари, маҳалла посбонлари ва фаоллари иштирокида доимий навабчиликлар ташкил этилган. Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида маҳалла фуқаролар йиғинлари, ҳокимият вакиллари билан биргаликда «анти-террор» тозалаш тадбирлари ўтказилди. Ҳар бир хонадон аъзосининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати кўздан кечирилди, четда жойлашган бинолар текширилиб, ўрганилмоқда. Профилактика инспекторлари маҳаллалардаги ёшлар билан алоҳида шуғулланиб, тарғибот-ташвиқот тадбирлари олиб бориламоқда. Футбол, шохмат-шашка, теннис, сузиш каби спорт тўғараклари мунтазам равишда ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1

декабрдаги авф этиш тўғрисидаги Фармониға асосан жазо-ни ижро этиш муассасаларида озод этилган 19 нафар фуқароларнинг ҳар бирига моддий ёрдам кўрсатилди. 3 нафари ларёқатига қараб, қолган 16 на-

**Бу йил шаҳар ташқарисидан жойлашган ўн тўртта оромгоҳда ўн беш минг 360 нафар бола уч босқичда соғломлаштирилмоқда. Бундан ташқари, қирққа яқин мактаб ва касб-хунар коллежлари қошида ташкил этилган кундузги соғломлаштириш оромгоҳларида ҳам қарийб тўққиз минг бола дам оляпти.**

## ОРОМГОҲ ҚУВОНЧЛАРИ

Шу кунларда вилоят қасаба уюмлари ташкилотлари бирлашмаси оромгоҳларида болаларнинг сермазмун дам олишларини таъминлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда спортни оммалаштириш мақсадида ўтказилаётган саломатлик спартакиадасининг сўнги мавсум мусобақалари қизгин давом этмоқда.

Ана шундай беллашувлар Паркент туманидаги «Сумча», «Бойчечак», Бўстонлик туманидаги «Келажак» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида бўлиб ўтди. Мусобақа қатнашчилари спортнинг футбол, волейбол, сузиш, арқон тортиш, шахмат, шашка, стол тенниси каби турлари бўйича ўзаро куч синашди.

## ЎЗ НЕЪМАТЛАРИ - ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

«Жиззах-Тошкент» автйўлида мева-сабзавот юкланган қўллаб автомашиналарни учратасиз. Улар пойтахтимизда ташкил этилган кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаларига кунига ўртача 90 тоннадан зиёд мева-сабзавот етказиб бермоқда. Жиззах заминидан етиштирилган олма, узум, қовун-тарвуз, қартошка, асал каби ёз неъматлари Сирғали тумани аҳолиси дастурхонини беэзамоқда.

Юқори сифатли ва анча арзон маҳсулотлар пойтахтликларга манзур бўлаётир, - дейди «Жиззахсавдо» акциядорлик компанияси раиси Икромжон Азимов. - Байрамолди ярмаркаларини ташкил этишда Пахтакор, Баҳмал, Жиззах, Форш, Мирзачўл туманлари деҳқонларининг ҳиссаси катта.

Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида ва байрам кунлари жиҳазликлар шаҳар аҳлиға 105 тонна қартошка, 350 тонна сабзавот, 77 тонна мева, 272 тонна полиз маҳсулотлари, 2 тонна асал етказиб беришни режалаштирган.

**КУМҚИШЛОҚ КУТГАН СОВГА**

2004-2009 йилларда Мактаб таълимни ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида Фаргона вилоятида унта янги мактаб қуриш, 215 мактабни капитал реконструкциялаш, 372 умумтаълим муассасасини капитал ва 245 тасини жорий таъмирлаш кўзда тутилган.

## Базан шундай дамлар бўладики деҳқон бир неча кунлаб уйку нималигини билмайди. Куну тун далада иш билан банд. Унинг учун ҳар фаслнинг ганимат дамлари бор. Шубҳасиз қатта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиши биланок кейинги йил ганимини ейти.

Тракторчи Ҳайитбой Эшимметов кун бўйи ҳориб-чарчаб ишлаганиға қарамай, кечки вақтда Гурлан туманида жойлашган «Нурмат ших ўғиллари» фермер хўжалиғига қарашли далаға ишлов бенид учун келади. Орадан бир-икки соатлар чамаси вақт ўтга, трактор бўзилиб қолади. Трактор паркига бориб пайвандловчи устани суриштиради. Устанинг тез орада етиб бориши тўғрисида айтиштига, яна далаға қайтиб келади. Шу тонда унинг ёнида фермер хўжалиғи аъзоси Алламбергана Атажонов пайдо бўлади. Икковлашиб соат 23 га қадар электр пайвандловчининг келишини кутишади. Ундан дарақ бўлавермагач, спиртли ичимлик ичиб чарчоқларини чиқармоқчи бўлишади.

Шундай қилиб овқатланиб бўлишгач, пайвандлаш ишлари ҳам тугатилди. Х.Эшимметов эрталаб ишларини тугатгач, уйига бориб ўхлайди. Орадан озми-

кўпми вақт ўтар-ўтмас ўша кеча у билан ҳамтовок бўлган шериги А.Атажановни далада трактор босиб ҳалок бўлганлигини айтишади.

Воқеани ўрганиш жараёнида аниқланишича, ушбу ҳодисаға нисбатан Вазирлар Маҳкамасинийг 1997 йил 6 июндаги қарорига асосан «Ишлаб чиқариш ва ҳодимлар саломатлигини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»-ги Низом татбиқ этилмайди. Сабаби, уларнинг иккалови ҳам маст эди. Улар ишға масъулияти кучли бўлса ҳам, ўз ҳаётлариға нисбатан бепарқилиқ қилган.

Яна шу тумандаги «Деҳқонобод» ширкат хўжалиғи трактор ҳайдовчиси Бахтиёр Жуманиёзов шериги Икром Собиров билан бошқарувчи топ-

## Меҳнат муҳофазаси

шунга эътибор қилинмагани ҳамда участка меҳаниғи Халилло Собиров ва масалада ишчиларға хавфсизлик йўриғини туршунтириш ишларини олиб бормаганлиғи юқоридаги фожеали воқеаға сабаб бўлди. Шу боис участка меҳаниғиға

нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49-ҳамда 255-моддаларига биноан маъмурий иш кўзғатилди. Албатта, фермер хўжалиқлари фаолиятини ривожлантириш, қолаверса кишлоқ хўжалигини такомиллаштириш турли меҳанизмлар фаолияти билан бевосита боғлиқ. Шу боисдан техника хавфсизлиғи қондалари мавжуд. Ана шунга эътибор билан қаралмаса, кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлиши шубҳасиз.

Янгибозор туманининг «Боголон» қишлоғида жойлашган «Жўрабек» фермер хўжалиғи аъзоси Хайрулло Каримов билан

ҳам шундай воқеа содир бўлди. Х.Каримов хўжалик ҳисобида бўлган тракторни таъмирлаш мақсадида устаканаға боради. У ерда ҳамроҳи Х.Қурбонов ёрдамида трактор тиркамаси филдариға ҳаво тўлдиратилганлиғи қулдан халқаси отилиб чиқиб Х.Каримовнинг юз ва бош қисмиға келиб урилади. Чунки, филдирак шинасига ҳаво бериш жараёнида босим меъридан ошиб кетганди.

Ушбу ҳолатда ҳам бosh сабаб техника хавфсизлиғи қондаларига эътиборнинг сустиғи ҳамда уни назар-писанд қилмаслиқдир. Шундай экан, бунга оғишмай амал қилиш, инсонни турли хавф-хатарлардан асрайди.

**А.ХОДЖАЕВ, Хоразм вилоят ҳокимлиғи меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси бўш бошқармаси меҳнат муҳофазаси ва шароитлари экспертизаси бўш бошлиғи, вилоят бosh давлат меҳнат техника инспектори**

**— Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятлари Кенгашларининг навбатдан ташкари сессиясидаги маърузасида тараққиёт, ислохотлар йўлига жиҳдий ғов бўлаётган мансабни суиистеъмол қилиш, таъниб-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоғчилик каби иллатларга қарши муросасиз курашни лозимлигини ўқитганди. Прокуратура органлари томонидан ана шу йўналишда қандай ишлар амалга оширилади, уларнинг аниқ миқдорлар асосида баён этсангиз.**

— Прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Асосий эътибор қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган майдонлар мониторингини ўтказиб бориш, бебаҳо бойлик — ердан мақсадли фойдаланиш, суғориладиган экин майдонларини муомаладан чиқарилишига йўл қўймаслик, уларнинг унумдорлиги пайсасийи ҳамда ер ажратишдаги суиистеъмолчиликнинг олдини олиш, хўжайинлик, талон-торож илдизига болта уриш, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қаратилмоқда.

Ердан оқилана фойдаланиш, ер ажратишда суиистеъмолчилик ҳамда таъниб-билишчиликка йўл қўймаслик юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилиб, назорат ишлари кучайтирилди. Ушбу йўналишдаги мониторинг натижаларига кўра 2004 йил ва жорий йилнинг 6 ойида республика бўйича 41 минг гектардан ортиқ экин майдонларидан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланиб келинганлиги аниқланди. Қўрилган шозиинчи чоралар натижасида бу ерларнинг 23 минг гектарга яқини хўжаликларга қайтарилди.

Бироқ, қўрилатган чора-тадбирларга қарамай, 2004 йил ва 2005 йилнинг биринчи ярмида 542 нафар мансабдор шахс томонидан 24 минг гектардан ортиқ ер майдони қонунсиз ажратилиб, таъниб-билишлари, яқинлари, ҳатто ўзларига фермерликни расмийлаштириш, пора эвазига ер сотиш каби мансаб суиистеъмолчиликларига йўл қўйилганлиги фож этилди. Мисол-

ларга эътибор қилайлик. Навоий вилояти Навбахор туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ю. Жўраев И. Охунбоев номи ширкат хўжалиги ерларидан 1 гектар тўрттинчи ажратиб бериш эвазига миришор Н. Жўраевдан пора талаб қилиб, унинг 100 минг сўмини олаётган вақтида ушланди. Шундайлар ҳам борки, улар қилмагандир орқа қилиб аяшага, қонунни менсимасликка ўзларича одатлашган. Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманидаги «Абдулҳаким» фермер хўжалиги раҳбари Ф.Мардонақулов шундайлардан бўлиб чиқди. У пахта етиштириш режалаштирилган 24,5 гектар ернинг 18,5 гектарига бор қилиб деб, шולי экиб юборган. «Сирож ота ССГ» фермер хўжалиги раҳбари Г. Умрзақова ҳам «тантилик» қилиб 89 гектар ер майдонини шולי ва бошқа экинлар учун қилмагандир бериб юбориб, талон-торож қилган.

Режалар текширув, ҳаётий кузатувлар натижасида тўпланган маълумотларни бир-бир кўздан кечириб эканмииз, баъзи сохта фермерлар фақат ўз ҳамёнларини ўйлаб, давлат, халқ олдидаги бурчларини, шартнома шартларини унутиб қўйганликлари кишини гоятда ажаблантиради. Ахир жорийлик ҳам эви билан-да. Қаранг, Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги «Гийёс-Ц» фермер хўжалиги етакчиси Ҳ. Қўчқоров мансабини суиистеъмол қилишда манаман деганлардан қолмас экан. У 2005 йил ҳосили учун чигит экилган 33 гектар майдоннинг 17 гектарини инсофсизларча бузиб, бу жойга полиз экинлари эккан. Ёки Зарбдордаги «Гайратли деҳқон» фермер хўжалигини бошқариб келган Б. Хожиев 8 гектар, «Тархон» фермер хўжалиги етакчиси Б. Боймуродов эса 3 гектардаги пахтани бузиб ташлаб, бошқа экин турини экканлиги аниқланди. Ахир уста деҳқондан деб кўраганига уриб юрган бу кимсалар кўзни яшатиб турган гўза ниҳолларини трактор билан ҳайдаб юборганлигини қандай тушуниш ва изоҳлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасида тузилган шартномаларнинг қонунга мувофиқлиги, контрактация шартномаларининг бажарилишига доир қонунлар ижроси устидан ҳам прокурор назорати амалга оширилмоқда. Бу борада ҳам ҳали хато-камчиликлар, муаммолар бор. Гап шундаки, қилмагандир шартномани тузишга тузиб, унинг маъсулиятини лозим даражада ҳис этмапти. Баъзиларда эса ҳуқуқий саводхонлик етишмаётди. Бунинг натижасида 2004 йилда дон сотиш бўйи-

ча тузилган контрактация шартномаларининг 9.733 таси ёки 14,8 фоизи бажарилмади. 1.561 та фермер хўжалиги шартнома имзолаб, тегишли моддий ресурслар ва маблағларни олган бўлса-да, давлатга умуман дон топиришмади.

Шартнома интизомни тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан

фермер хўжаликлари ҳамда уларга хизмат кўрсатуви 1.837 та инфратузилмалар ташкил этилди. Вазирилар Маҳкамасининг «2004 - 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «2005 - 2007 йилларда фермер хўжаликлари-

— Кенг қўламли савий-харақатлар амалга ошириладиган бўлишига қарамай, фермерларга муносабат масаласида оз бўлса-да қонунбузилиш ҳолатларининг тақрорланиб-гани, улар йўлига сунъий ғовлар қўйилаётганлигининг туб сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

# МАНСАБНИ СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ОҚИБАТИ

**Республика Бош прокуратураси Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими қатта прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Б. ХОЛМИРЗАЕВ билан мулоқот**

ўтган йили ўтказилган текширишлар натижаларига кўра фермер хўжаликларида 5,6 миллиард сўм қопланмаган аванс маблағлари ундириб олинди. Шартнома мажбуриятларини қўпол равишда бузган, ердан ўзбошимчилик ила ва мақсадсиз фойдаланган 697 та фермер хўжалигидан 22.069 гектар ер қонуний асосда қайтариб олиниши таъминланди. Жорий йилнинг 25 июл ҳолатига республика бўйича 34 та ширкат, 4.361 та фермер хўжалиги ҳамда 104 та бошқа қишлоқ хўжалик қорхоналари дон сотиш бўйича шартномавий мажбуриятни бажармади. Бунинг оқибатида тайёрлов корхоналарига 51 минг тоннадан ортиқроқ дон маҳсулотлари топирилмади. Прокуратура органларининг аралашуви билан 25 минг тоннадан ортиқ доннинг натурал шаклида ундириб олиниши таъминланди. Режалар бажармаган 583 та фермер хўжалигидан шартнома шартларини бажармаслик натижасида етказилган зарарни ундириб олиш ҳақида судларга 595 миллион сўмлик даъво аризалари киритилди.

Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни ташкил этишдаги қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Утган даврда 445 та паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари негизда яна 25 мингдан ортиқ

ни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари ижроси юзасидан ўтказилган текшириш ва мониторинглар натижасига кўра 1.300 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жиҳдий қонунбузилишлар юзасидан 68 та жинойят иши қўзғатилган, прокурорларнинг тақдимномалари

— Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл берилган. Омиликлар, ташаббускор, урдабурон кишилар манфаати мустаҳкам ҳимояда. Фермерлик ҳаракатининг кун сайин ривожланиши адолат мезонларининг бузилишига йўл қўймасликни тақозо этади. Бахтга қарши ҳали тадбиркор йўлига сунъий ғов қўйишлар, адолатсизликлар кам бўлса-да учрамоқдаки, прокуратура идоралари ҳодимлари бундай камчиликларга қарши муросасиз курашишмоқ-

да. Яна ҳаётий мисол. Пахтаобод туманидаги Охунбоев номи ширкат хўжалигида талабгор К. Сунгурбековнинг баллари атайлаб 20 баллга пасайтирилиб, танловда иштирок этмаган 3.Розиков ва Б.Раҳимов танлов ғолиби деб эълон қилинган. Самарқанд вилояти Иштихон туман ҳокимининг ноқонуний қарори билан «Туркстон», А. Темур номи, Ж. Махмудов номи ширкат хўжалигида танлов ўтказилмасдан 8 та фермер хўжалигига хотамтойлик билан 311 гектар ер ажратиб берилган.

Фаргона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги «Ганиобод» ширкат хўжалигида фуқаролар А.Мелиев ва М.Усмоновларнинг аризалари комиссия аъзоларининг ундан икки қисмидан камроғи иштирок этгани ҳолда кўриб чиқилмаганди. Табиийки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам ғолиб деб топилди. А.Мелиевга 14 гектар, М. Усмоновга

эса 15 гектар ер ажратиб бериш ҳақидаги ноқонуний қарор қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қаролатилари тўғрисида»ги қонунига зид равишда Богдоқ тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорликни рўйхатга олиш инспекцияси бошлиғи Н. Қосимов, Риштон туман ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Т. Махмудов ва Бувайда тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Тожиёвлар ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссиялар қарорлари билан танлов ғолиби деб топилганлар. Бу нима, қонунни билмасликми ёки менсимасликми? Ушбу йўналишларда жами 446 ҳолатда қонун талабларига зид равишда қабул қилинган қарорлар прокурорларнинг протестлари билан бекор қилиниши таъминланди.

— 2004 йил ҳамда жорий йилнинг биринчи ярмида минерал ўғит ва бошқа хилдаги моддий бойликларни талон-торож қилишга оид рақамлар кишини ўйлантиради...

— Фикрингизни тушундим. Аввало одамлар қаттиқ ишонган ва ҳурмат қилган кишидан ноҳўра ишларга қўл урса бундан ёмони йўқ. Прокуратура органлари томонидан олиб берилган тадбирларда айрим назорат-тектириув органлари томонидан Президент Фармонлари ва қарорлари талабларига зид равишда ноқонуний текширишлар ўтказилишига йўл қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, Беруний тумани ер ресурслари хизмати бўлими бошлиғи Р.Кенжаев 12 та фермер хўжалигида ноқонуний текшириш ўтказганлиги аниқланиб, прокуратура органи томонидан қўрилган чораларга асосан у эғаллаб турган лавозимидан озод этилиб, фермерларнинг чекланган ҳақуқуқи тикланди.

Қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш ва уларни сақлашга қаратилган қонунлар ижроси ҳам доимий назоратда. Сўнгги йилларда ушбу йўналишда муайян силжишларга эришилди. Бироқ, инсофини йўқотган, нафс бандлари топилавераркан. 2004 йил ва жорий йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалиги ишларига ажратилган 5.992 тонна минерал ўғитлар талон-торож қилинганлиги фикримиз далилидир. Мисол ва рақамларга яна эътибор қаратайлик. Қўрғонтепа тумани «Қишлоқхўжалиқимиз» бўлими оморборчиси А. Маматқулов назоратнинг сустигидан фойдаланиб жавобгарлигидаги 10 тонна суперфосфат ўғити камомадини яшириш мақсадида уни 3. Акбаровга берганлиги ҳақида сохта ҳужжат тузган.

— 2004 йил ҳамда жорий йилнинг 6 ойида 1007 нафар фермер ҳамда деҳқон хўжаликларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши ва банкларда ҳисоб рақами очиб берилишига кўмаклашилди. Уларга 338 миллион сўмдан ортиқ кредит пуллари, 10,2 миллиард сўмдан зиёд дебитор қарзларининг ундирилиши, 10,7 гектар ер майдони, 4.858 тонна минерал ўғит, 1.767 тонна нефть, 1.539 тонна чигит, уруғлик бугдой, шунингдек, 1030 тонна омухта ем маҳсулотларининг қонуний асосда ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Фаргона вилояти Охунбоев тумани «Қишлоқхўжалиқимиз» филиали мудири Ф.Уринов ва оморборчи Н.Усмоновлар 46 тонна олтингуруртни сув қилишган. Наманган вилоятининг Қосоной туманида фуқаро В. Полотовга қарали бўлган «КамАЗ» русумли автомашина текширилганда, унда ҳеч қандай ҳужжатларсиз 10 тонна минерал ўғит четга сотиш мақсадида олиб кетилаётгани аниқланди. Айбдорларга нисбатан қонун доирасида тегишли чоралар кўрилди. 2,4 миллиард сўмлик зарар айбдорлардан ундириб олинди.

Лоқайдлик, ўзибўларчилик, мен раҳбарман, меники тўғри, қабилида иш юритиш ярамас ишларга йўл очади. Бу айниқса, ёниги мойлаш маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги техникасига қишлоқ маҳсулотида ҳам яққол кўринди. 2004 йил ва жорий йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалиги ишларига ажратилган 592 тонна ёқилги мойлаш материаллари талон-торож қилинганлиги ҳақли равишда таъниб-билиш юротади. Бўз туман машина-трактор парки акциядорлик жамияти раиси Ортиқов ҳамтовоклари билан «Магнум» ҳайдов тракторининг 14 миллион сўмлик эҳтиёт қисмларини таптортай талон-торож қилган.

Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги машина-трактор парки акциядорлик жамияти мансабдор шахслари томонидан 3,8 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар оморборга кириб қилинган ҳолда ҳамда 9,1 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиқ техникасини асоссиз равишда ҳисобдан чиқариш оқибатида жамиятга қарийб 13 миллион сўмлик моддий зарар етказилган. Хатирчи туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиқ мансабдор шахслари хўжалиқ ҳисобиди бўлган 2,3 миллион сўмлик «Енисей» русумли дон ўриш комбайнини 504 минг сўмга сотиб юборишганин ҳеч нима билан изоҳлаб бўлмайди.

Республика бош прокуратураси бу каби камчиликларнинг олдини олиш, улар қайта тақрорланмаслиги учун бутун чоралар билан ҳаракат қилмоқда. Мақсадга эришишда жойларда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимлари билан учрашувлар, ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган тадбирлар муҳим рол ўйнамоқда. Аввало одамларимиз инсоф, динъатни унуттишмасин. Агар ҳар бир фуқаро шу мустақил юрт, шу муқорак замин меники, уни кўз қорачиғидек асраш муқаддас бурчим, дея идрок этса ва бунга қатъий амал қилса қўлгина нуқсонлар ўз-ўзидан барҳам топади.

**Сухбатдош: М. ИЛЁСОВ**

**МЕХНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК**  
Шариф Зарипов Урганч туманидаги акциядорлик жамиятига директор бўлиб келганида қорхона қарзга ботиб, банкрот ҳолатига келиб қолганди. Кейинги йиллар қорхона учун нафақат тикланиш, балки ривожланиш йиллари бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Қисқа фурсат ичида бу ердаги паррандалар сони 68 минг, шундан она товуқлар 36 минг бошга етказилди. Тухум ва парранда гўшти тайёрлаш режалари муваффақиятли уддаланди. Агар 2003 йилда 621,6 миллион сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 663 миллион сўмликка етказилди. Бу ўз навабатида тумандаги 140 кишини иш билан таъминлаш имконини берди.  
**Я.САРИЕВ, "Ишонч муҳбири"**



Бўка туман машина-трактор парки акциядорлик жамиятида ширкат, фермер ҳамда деҳқон хўжаликларига кўрсатилаётган механизация хизмати кун сайин яхшиланиб бормоқда. Амалдаги йилнинг ўтган ойлари давомида миқозларга кўрсатилган хизматлар ва бажарилган юмушлар қўламин кўнгилдагидек бўлди.

Айни пайтда туман МТПда пахта йигим-терим ишларини ушқоқлик билан ўтказиш мақсадида тайёргарлик бошлаб юборилди. Мавҳуд 32 та пахта терим машиналари мавсум учун ҳар қачонгига қараганда анча олдин тайёрланмоқда. Пахта терим учун ширкат ва фермер хўжалик-



ри билан 370 та шартнома тузган МТП жамоаси асосий эътиборни деҳқонларга юқори сифатли ва тезкор хизмат кўрсатишга қаратмоқдалар.  
**Суратларда: механиклар П.Билинов, Б.Турабеков ҳамда оператор А.Сотилдиевлар; оператор З.Турдиқулов; пахта терим машиналари.**



Фаргона вилояти Учкуприк туманидаги 103-сонли хўжалиқлараро махсус механизациялашган кўча колоннаси («103-ХММК») МЧЖ Низом жамғармасидаги 51 фойз давлат активдаги улуши. Бошланғич баҳоси - 22548,97 минг сўм.

## Футбол «САН-СИРО»ДА, ТОМОШАБИНЛАРИЗ СТАДИОНДА УЧРАШГУНЧА

Европа чемпионлар лигаси учинчи квалификация баҳсида Донецкининг «Шахтёр» ва Миланнинг «Интер» клублари ўзаро тўқнаш келдилар. Гарчанд биринчи учрашув украинлар майдонида ўтказилган бўлса-да, меҳмонлар ҳар жиҳатдан устунлик қилдилар. Обамеми Мартинс ва Адриано муаллифлик қилган икки гол «Интер»га муҳим ғалабани тўхфа этди. Энди «Шахтёр»га Миланда осон бўлмайди. Кейинги босқинга чиқиш учун украинликлар камда учта тўп фарқи билан зафар кучишлари лозим. Дарвоқе, ушбу жавоб учрашуви «Сан-Сиро» стадионида томошабинлар иштирокисиз ўтказилмади. Едингизда бўлса, ҳамшаҳарлар — «Интер» ва «Милан» жамоалари ўртасидаги матч томошабинларнинг безорилиги оқибатида муддатидан илгари тўхтатилиб, ғалаба «Милан»га ёзилган (у шундоқ ҳам олдинда бораётган эди), уша қуни майдон эгаси сифатида тўп сураётган «Интер»га УЕФА томонидан жарима солинган, стадион эса бир неча ўйинга дисквалификация қилинган эди.

## Теннис МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР

Лос-Анжелес шаҳрида аёллар ўртасида давом этаётган муқофот жағғармаси 585 минг АКШ доллари бўлган йирик теннис турнири тобора қизгин тус олмақда. Айтиш жоизки, иккинчи давра учрашувлари россияликлар учун анча муваффақиятли келди. Қутилмаганда турнир пешқадамларидан ҳисобланмиш Светлана Кузнецованинг Греция вакиласи Елена Данилидуга ўйини бой бериб қўйганлигини истисно қилганда, Елена Деметтева, Динара Сафина, Надежда Петрова ва Анна Чакветадзе зафар қучиб, кейинги босқинга йўл олдилар. Барча учрашувлар муросасиз кечини қутилмоқда. Лекин қўпчилик учун ҳамюртлар — Чакветадзе ва Мария Шарاپова ўртасида кечадиган баҳс қизиқиш уйғотмоқда.  
**Бокс**

## КАТТА ГАПИРГАНДАН КЎРА

Ўзбекиларда «катта гапиргандан кўра катта нон тишла» дейилади. Лекин нигарагулик таниқли боксчи Рикардо Майорга ўзининг италиялик ҳамкасби Микеле Пиччирилло билан бўладиган жанги олдиндан руҳий тазйиқни ҳаддан ошириб юборган кўринади. Ўрта вақт тоифасида сойиқ жаҳон чемпиони рақиби устидан очкичасига қўлиб, «унинг қоқ суякнидан хойнаҳой уйда гўшт беришмагани, деб ўйлаб турибман. Мен уни ер билан яқсон қилганидан сўнг лашуларини олиб ўйга қайтаётганда ҳар эҳтимолга қарши осроқ пицца тайёрлаб олсин. Айтганча, у жанг олдиндан италиян пивосини ҳам ола келсин, мен ғалабамни ушбу пиво билан нишонлайман» дея интервью берган. Ким билади, балки Майорга сўзининг устидан чиқар. Аксинча хол ўз берса-чи? Бу — бокс. Боксда битта зарба ҳамма нарсани тескари қилиб юбориши мумкин.

## Енгил атлетика ЮГУРГАННИКИ ЭМАС, БҮЮРГАННИКИ

Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрида давом этаётган жаҳон биринчилигида қутилмаган хол ўз берди. Найза улоқтиришда барчани ҳайратда қолдириб эстониялик спортчи Андрус Варник шоҳулопаннинг энг юқори роганасига кўтарилди. Андрус фақат икки марта найзани 80 метрдан олсига улоқтирди. Улардан бири 87 метру 17 сантиметрга бориб тушди. Бу ундоқ олтин медални тўхфа этди. Иккинчи ўрин норвегиялик Тьоркюдсенга муносиб қўрилган бўлса, россиялик Сергей Маковров учинчи ўринни эгаллади. Аёллар ўртасида узунликка сакраш бўйича мусобақаларда барча россиялик Татьяна Котова зафар қучади, деб ўйланган эди. Чунки у уч уринишдан сўнг 6 метру 79 сантиметр натижаси билан пешқадам бўлиб турганди. Бироқ америкалик Тьянча Модисон бешинчи ўринишда Татьянадан 10 сантиметрга олсироқка сакраб, улоқни олиб кетди. 400 метрга тўсуқлар оша югуришда эса Багам оролларида келган Тоник Уильямс Дарлингнинг олдига тушадиган топилмади. Кумуш медал америкалик Саня Ричардсга насиб этди. Мексикалик Ана Гевара россиялик Светлана Поспеловани ортда қолдириб, бронза медали сойибасига айланди.  
**З.РИХСИЕВ тайёрлади**

## «Олой деҳқон бозори» ОАЖ акциядорлари диққатига

**2005 йил 1-ярим йиллик яқунлари бўйича ўтказилган навбатдан ташкари акциядорларнинг умумий мажлиси Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимиятининг мажлислар залида 2005 йил 24 август соат 12.00. да бўлиб ўтади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 11.00. дан бошланади.**

- Кун тартиби**
- 1.Жамият бошқарув раисини сайлаш ҳақида.
  - 2.Жамиятнинг 2005 йилги иш режаси (бизнес план)-ни тасдиқлаш ҳақида.
  - 3.Жамиятда йиллар давомида талаб қилинмаган муддати ўтган дивидендларни жамият ҳисобига ўтказиш ҳақида.
  - 4.Жамият Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.
  - 5.Жамиятнинг 2005 йил 1-ярим йиллик молиявий хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш ҳақида.

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**  
Давлат мулк қўмитасининг ваколатли агенти «Давинком» давлат инвестиция фирмаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига марказий маклериатдан 2005 йил 15 августдан қуйидаги улушлар қўйилади.  
1.Қашқадарь вилоятида жойлашган «Узавтойул» ДАК таркибидида «Қашқадарь йул таъминот» МЧЖнинг 30 фойз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси - 79799,54 минг сўм.**  
2.Қашқадарь вилоятида жойлашган «Узавтойул» ДАК таркибидида «Шахрисабз автойул» (Шахрисабз ободончилиги) МЧЖнинг 25 фойз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси - 54131,43 минг сўм.**  
3.Қоракалпоғистон Республикасида жойлашган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги таркибидида «Нукус полиграф комбинати» МЧЖнинг 26 фойз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси - 87440,12 минг сўм.**

4.Сурхондарь вилоятида жойлашган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги таркибидида «Сурхондарь босмахонаси» МЧЖнинг 26 фойз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси - 22548,97 минг сўм.**  
**Фаргона вилояти маклериати томонидан 2005 йил 15 августдан қуйидаги улушлар қўйилади.**  
1.Фаргона вилояти Учкуприк туманидаги 103-сонли хўжалиқлараро махсус механизациялашган кўча колоннаси («103-ХММК») МЧЖ Низом жамғармасидаги 51 фойз давлат активдаги улуши. **Бошланғич баҳоси - 110 810 400 сўм.**  
2.Фаргона вилояти, Тошлоқ туманидаги 79-сонли хўжалиқлараро механизациялашган кўча колоннаси («79-ХММК») МЧЖ Низом жамғармасидаги 51 фойз давлат активдаги улуши. **Бошланғич баҳоси - 47 647 245 сўм.**  
**Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**  
Имкониятининг ичи бой берманг.  
Савдоларда Республика

Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлар объектларини харид қилишини гизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.  
Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг объектлар жойлашган вилоят филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин.  
**Манзилмииз: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Махаммад Уразбоев кўчаси, 1 «А» уй.**  
**Телефонлар: 399-80-26, 136-26-26. Факс: 136-06-17 www.rkmb.uz**  
**РКМБ Фаргона вилояти филиали манзили: Фаргона шаҳар, М.Қосимов кўчаси, 35-уй. Телефонлар: 8 (3732) 24-68-72, 24-68-70. Факс: 24-68-69.**  
**Эслатма:** РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.

**Буюқ ишларга қодир, ота-онасига, Ватанига сардоқли, жисмонан бақувват, руҳан тетик, маънавий яши юксак инсонларни вояга етказиш давлатимиз сий-сатининг устувор йўналиши. Юртбошимиз ташаббуси билан 1994 йили Бухоро вилоятининг Вобкент туманида ташкил этилган 110 ўринли «Аёллар соғломлаштириш маркази» хотин-қизларда ўқрайдиган эстрагентал касалликларнинг олдини олиш ва даволашга ихтисослашган.**

Бир йилда 3 мингга яқин бемор даволанаётган ушбу муассаса ҳақиқий шифо масканига айланган. 10 нафар олий тоифали врач, 68 та малакали ҳамшира аҳоли соғлиғи йўлида фидойилик кўрсатаёпти.

Бош врач Гулсара Икромова ва касабга уюшма қўмитаси раиси Дилором Мавлоноваларнинг ҳамкорлиги ижобий самара бераёпти. Ромитан, Пешку, Олот, Қорақул, Гиждуво, Шофиркон туманларининг олис қишлоқларига шифокорлардан иборат гуруҳлар юборилиб, туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар тиббий куриқдан ўтказилаёпти.

Репродуктив саломатлик фақатгина касалликлардан фориғ бўлиш эмас, балки оилада эркак ва аёлнинг жисмоний, ижтимоий ва руҳий жиҳатдан соғлом турмуш

болалиқни муҳофазалаш, оналар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом фарзандлар туғилиши, соғлом она - соғлом бола дастурини амалга ошириш, аҳолини «Она ва бола скрининг» хизмати билан қамраб олиш бо-расидаги ваазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилган, -

## ОНАЛАР СОҒЛИҒИ-КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

тарзи ҳамдир, - дейди шифо-хона бош врач би билан суҳбатда. - Ҳар бир она вояга етатган фарзандидаги физиологик ўзгаришларни кузатиб бориши, айниқса ўсмир қизларнинг репродуктив саломатлиғи тўғрисида ҳамшира қайғуриши керак.

Кези келганда, касалхона хузуридаги «Оналар мактаби» да «Ўсмир-қизлар гигиенаси», «Чақалоқлар парвариши», «Она сутининг мўъжизаси», «Бехатар оналик», «Эстрагентал касалликларнинг олдини олиш» мавзусида қизиқарли машғулотлар уюштириляётганлигини таъкидлаш жоиз.

- «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурида оналик ва

дейди касабга уюшма қўмитаси раиси, ички касалликлар врач-чи Д.Мавлонова. - Вилоятимизда репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли тадбирлар амалга оширилляпти. Ёшларни оилавий ҳаётга ва соғлом оила қуришга тайёрлаш, тиббий маданиятни ошириш, жисмонан бақувват фарзандлар туғилишини ҳамда уларни баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берилляпти. Ни-коҳланувчи ёшларнинг тиббий куриқдан ўтказиш тартиби жо-рий этилиши соғлом авлодни шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Марказда ҳомилдорлиги 28 ҳафтагача бўлган аёллар,

### Репродуктив саломатлик

ошқозон-ичак, юрак, қон ай-ланиши, бўқоқ, асаб, таянч ҳаракат тизими, буйрак ва бошқа бир қатор касалликлар доволанади. Ҳўжалик ҳисоби йўли билан ҳар йили 30-35

Яқинда шифокорлар гу-руҳи Шофиркон туманидаги Убай Асадов, Бобур, Гижду-во туманидаги Саттор Жаб-боров номли, «Зарафшон» ширкат ҳўжаликлариде аёл-лар ва ўсмир қизларни тиб-бий куриқдан ўтказиб, ўзла-рининг тегишли маслаҳатла-рини бердилар.

Тақлиф ва мулоҳазалар дафтариде шифокорлар қўлидан даво топган пешку-лик Малоҳат Мўйинова, шо-фирконлик Дилнавоз Адизо-ва, Зебо Қаландарова, Воб-кент туманида Рўйхон Ами-нова, Моҳигул Пушьева син-гари юзлаб аёлларнинг ми-нанатдорчилик сўзлари би-тилди. Уларнинг қўнчилиги марказдаги муолажалардан сўнг фарзанд кўриб, бахтли ҳаёт кечирляшляпти.

Соғлом авлодни тарбия-лаш - буюқ давлат пойде-ворини, фаровон ҳаёт асо-сини қуриш деганидир. Бошқача айтганда, оналар соғлиғи - келажак кафола-тидир.

Оғизларидан бол томиб таъриф беришганлари «Ҳу-ча» болалар богчасини ис-таб борарканмиш, шундоқ-қина мактабгача таълим му-ассасаси дарвозасидан чи-киб келаятган икки ёш она-нинг сўҳбаты қўлогимизга чалинди.

**И. ҲИҚМАТОВ,**  
«Ишонч» муҳбири

**Ривоят қиладиларким, донишманд хузурига бир чачалок олиб келишибди.**  
- Тақсир, ушбу гўдақнинг тарбиясига ўзингиз бош-қош бўсангиз.  
- Бола туғилганга қанча бўлди, - деб сўрабди донишманд.  
- Уч кун, тақсир, - жавоб қилишибди гўдақнинг ота-онаси.  
- Эҳ, аттанг, - дебди донишманд афсусланиб, - тарбияда уч кун кечикимиз-да...

Ҳар бир нарса оби-тоби-да бўлгани яхши. Айниқса, бола тарбияси нозик маса-ла. Бамисоли оватқа со-лингган туз - озроғи таомни таъмин қилса, қўли ишта-хани бўғайди. Шунинг учун бобокалонларимиз «болани қўчага ташлаб қўймаг, кей-ин уйга олиб киришингиз қийин бўлади» деб оғоҳлан-тиришлар. Тарбияни уйда ёки бунинг учун махсус би-лим ва малакага эга бўлган ўз ишининг мутахассислари назоратида амалга оширган маъқул.

кўтарилиб боради. Мусақа машғулоти ўтадиган хона-

## ОРЗУЛАБ ЯШАШДА

### ХОСИЯТ КАТТА

да пианинодан ташқари тур-ли-туман ўйинчоқлар, бизга айтишларича, тарбиячилар томонидан тикланган бир-бири тақорламайдиган мил-лионий кийимлар, бири-биридан нафис кўйирчоқлар тартиб билан тариб қўйилган.

Фитобар ишлаб турибди. Болаларга инглиз тилидан

### Лавҳа

илк сабоқни бериш учун чет тили ўқитувчиси иш ўрни очилган бўлиб, алоҳида хона ҳам ажратилган. Соғлом ав-лод - юрт келажиги. Жажжи-лар бардам-бақувват бўлиб вояга етишларини назарда тутиб, ўғил болалар учун ка-ратэ, қизлар учун бадиий гимнастика тўғраги ташкил қилинган.

Одатда ҳажвати расомла-римиз «боғча она»ларни гўда-лашиб гурунқ қилаётган ёки бўлмаса савдо-сотик ишлари билан машғул, болақонлар-ни эса ўз ихтиёрига ташлаб қўйишган ҳолда қўп тасви-рляшди. Лекин «Ҳуңча»да бўлган киши бутунлай бош-қача - илик таассуротлар те-гарсида қолади. Ҳеч кимнинг бўш ўтиришга вақти йўқ. Ҳатто айтишларича, болаларни қабул қилиб олишдан бир соат барвақт келиш ёзилма-ган қондага айланган бўлиб, бунга ҳам ўша - оросталик ва яна орасталик сабаб экан.

Ҳали у тадбир, ҳали бу тан-лов; вазифа эса битта - голиб чиқиш. Қўз теғмасин, ҳозир-ча бунинг урдасидан чиқи-ляпти ҳам. Муидра шаҳар халқ таълимида бўлиб ўтган йиғилишдан чиқиб, ҳодим-ларига янги топшириқни ет-казди.

- «Севимли ўйинчоқлар» кўрик-танловида қатнашамиз.

Тарбиячилар бир-бирига қарашди.  
- Ахир ҳадемай «Яшил чирок» кўриқини ўткази-ши тарқибди, - дея вақт тўғизилгани эслатди ким-дир.

- Унга ҳам тайёргарлик-ни бушаштирмаймиш, бун-сига ҳам улгурмайш. Мен сизларга ишонганим учун сўз бериб қўйдим. Уйлай-манки, бу гал ҳам омад биз-

га қулиб боқайди.  
Вазифалар тақсимланди. Ҳеч ким ёттибордан четда қолмади. Айниқса, богча-ясли тарбиячилари Илти-мос Худойберганава, Нар-ғиза Абдуллаева, Уллиби-би Одамова намуна бўлиш-ди.

Энг мураккаб масала, бу - вақт тақсимоти. Ушбу ту-ғунни еча билган одамнинг иши ҳамшира бароридан ке-лади. Бунинг исботи яна барчаннинг қўз ўғнида намо-ён бўлди. «Ҳуңча» болалар богчаси «Севимли ўйинчоқ-лар» кўрик-танлови голиб-га айланди. «Яшил чирок» тадбири ҳам жуда муваф-фақиятли ўтди. Соғирлар, ёрликлар, мактос сўзлари... Булар ҳар қанча азиз бўлсан, вақт янги-янги марраларни забт этишга чорляйди.

- Марямжон ҳар йили бир неча тадбирни қойил-мақом қилиб ўтказайди, - дейди Урганч шаҳар ҳоким-лиги ижтимоий масалалар бўйича бош мутахассиси Марим Абдулнизоёв. - Бу-лтур республика Халқ таъ-лими вазирлиги «Илғор иш таърибаларини қўллаш» мавзусидаги амалий-семи-нарни айнан «Ҳуңча»да ўтказганлиги ҳам бежиз эмас.

Муидрининг бир армони бор. У богчада спорт зали ва сув ҳавзаси бўлишини жуда-жуда истайди.  
Кимларгадир ҳавасла-ниб, ниманидир орзулаб яшашининг хосияти катта. Қилиб турган ишинга меҳ-рин ортаверади. Меҳрининг луғавий маъносини қўш; қўёс эса ҳеч кимни ўз зи-босидан бебаҳра қолдирмай-ди.

**Р. ЗАЙНИЕВ,**  
**Э. ЭРМАТОВ,**  
«Ишонч» муҳбирлари

### Хабарлар оқимидан ДАВР РУҲИГА МОС

Кейинги йилларда ин-форматика ва ҳисоблаш техникаси асосларидан бир неча дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди. Умумтаълим мактабларида 11-синфи учун ёзил-ган дарслик ҳам давр тала-би асосида юзага келди.

У бошқа нашрлар кат-ори республикамизда таъ-лим олиб борилятган тил-ларга таржима қилиниб, ўқувчиларга тақдим этилди.

Яна шуниси муҳимки, мазкур дарсликларда ин-тернет ҳақидаги билим ва тушуначалар илк бор ўз ифодасини топти. «Интер-нетда ишлаш асослари», «Веб-саҳифа яратиш» каби болларда ёритилган маълум-отлар ҳам эътиборни ўзи-га тортади.

**НОГИРОН БОЛАЛАРИ ЙЎЛАБ**  
Ўзбекистон меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимо-ляш вазирлигининг «Ор-топедик реабилитация» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси томонидан тур-ли хил махсулотлар тай-ёрланмоқда.

Ногиронлар учун иш-лаб чиқарилятган протез-ортопедик буюмлар ҳам қўллаб етказиб бе-рилмоқда. Корхона таш-кил этилганга беш йил бўлди. Бу орада махсулот турлари анчага кўпайди. «Замонавий ортопедик сановатни яратиш» Давлат дастурини амалга оши-риш йўлида қўрилятган тадбирлар ҳам самарали бўлмоқда.

«Сихат-саломатлик йили» дастури доирасида ортопедик аппаратлар-нинг қатор янги турлари-ни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Йил даво-мида республикамиздаги ногирон болалардан 200 нафардан ортиги замона-вий ортопедик махсулот-лар билан таъминланди.

### ОММАЛАШГАН ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ

Тошкент фармацевтика институтининг фаолият до-ираси кенгайиб кетди. Буни олий ўқув юртининг хорижий мамлакатлар билан алоқалари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Кейинги йилларда чет эл олий ўқув юртлири билан илмий ҳамкорлик ўз ижобий натижаларини бер-ди. Айниқса, Дания, Гол-ландия, Германия, Венг-рия, Чехия каби мамлакат-лар фармацевт олимлари билан биргаликда амалга оширилятган ишларини самарали бўлмоқда. Янги ўқув режалари ва дастур-ларини тайёрлашда ҳам бу ҳамкорлик кўч келди.

Шуниси эътиборга сазо-ворки, муайян ўқув адаби-ётлари Марказий Осие фармацевтика олий ўқув юртлири ўқув жараёнла-рига таъсия этилди.

## Ёзги соғломлаштириш СПОРТ — ЖОНУ ДИЛИМ

**«Мирзачўл» болалар оромгоҳи тоғли Фориш туманининг Илчон қишлоғида жойлашган. Сўлим табиат кўйидаги бу маскани «Гагарин маъданли суви» сихатгоҳи ўз тасарруфига олган. Мавсум арафасида оромгоҳ жорий таъмирляниб, янги жиҳоз ва ускуна-лар билан таъминланди. 150 та чойнак, қоса, пилва ва ликопча жамланмаси, 120 та чойшаб жамланмаси олиб берилди. 50 ўринли оналар ва болалар учун ётқо-хона қуриб, ишга туширилди.**

Ўтган икки босқичда 220 нафар бола дам ол-дирилди. Дам олувчи-ларнинг 40 фоизини кам таъминланган, боқувчи-сини йўқотган оила фар-зандлари ташкил этади.

Болаларнинг яйраб дам олишлари учун бар-ча шарт-шароитлар яра-тиб берилганлигини бир қарашдаёқ билиш мум-кин. «Маънавият ва маъ-рифат» хонаси, кутубхо-на ташкил этилган. Унда 400 дон абадий китоб-лар мавжуд. Стадион, спорт майдончаси, су-зиш ҳавзаси ва стол тен-ниси мавжуд бўлиб, ўқувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларига хизмат қилаёпти.

- Болаларни гуруҳ-гу-руҳларга бўлиб, спорт тўғрақларига жалб ет-ганмиш, - дейди ором-гоҳ спорт йўриқчиси Шавкат Умаров. - Улар-нинг хоҳлаган спорт тур-лари билан шуғулланиш-лари учун шароитлар етарли. Спорт жиҳозла-ри билан таъминланган. 10 нафар чин етим ёки боқувчисини йўқотган болаларга 180 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Спорт кий-имлари, пойабзал ва ен-

гил кийимлар олиб бе-рилди.

Ҳар бир босқичда тур-ли хил спорт мусобақа-лари ўтказиб келинмоқ-да. «Соғломжон-полножон», «Қувноқ стартлар» каби танловларда барча болалар фаол қатнаши-шляпти.

- Оромгоҳимизни ту-ман ташкилот, корхона ва фермер ҳўжаликлари ўз оталиқларига олишган, - дейди оромгоҳ раҳбари



Тўймурод Бобоев: - Улар ҳомийлигида йўлланма-лар 100 фоиз бепул бе-рилмоқда. Озиқ-овқат харажатлари ҳам ҳомий-лар маблағи ҳисобидан қопланяпти. Хусусан, 21-автокорхона 1 миллион, машина-трактор парк 800 минг, «Глос» тажри-ба участкаси 300 минг, 638 та фермер ҳўжали-ларининг ҳар қайсиси ўртача 30 минг сўмдан ёрдам беришди.

- Мен оромгоҳа шун-чалик ўрганиб қолдимки

**Б.НОРКУЛОВ,**  
«Ишонч» муҳбири  
Суратларда: ором-гоҳ ҳаётинан лавҳалар



Фахринисо, гўё қар ва со-қовга айлиниб қолганди. Жамоа билан хайрлашаё-ти тўғилмади, қараб ҳам қўймади. Чуқур мунг чўккан

беш йилдирки, шу мўъжаз ошённинг бекаси. Кейинги йилларда «Болалар уйи» намунали муассасага айлан-ди. 21 нафар болақай меҳр

### Бор бўл, оқибат!

моа аъзолари жуда аҳил. Эгаллаб турган вазифаси-

турибди. Тадбиркор Юсуфбой Йўлдошев кий-им-кечак, ширинликлар-дан қарашяпти. Мақсуд исмли йигит (уни ҳеч ким кўрмаган, фамилиясини ҳам биров билмайди) мун-тазам равишда кийим-ке-чак, озиқ-овқат махсулот-лари, ўйинчоқлар ва бо-шқа зарур нарсалар юбо-риб туради. Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Ан-вара Сағиров тез-тез бу ерга келиб, имкон қадар ёрдам бермоқда. Болалар саломатлигини тиклашда ва улар касалланишининг олдини олишда «Шоши-линч» тиббий маркази-нинг раҳбари Отаназар Ниёзиметов, вилоят болалар шиfoxонасининг бош шиfoxори Шавкат Аве-зовларнинг ҳам хизмати катта бўляпти.

### БАЛЛИ, ЙИГИТЛАР

Венгриянинг Сзе-гед шаҳрида байдар-ка ва қанозда эшқак эшиш бўйича ўсмир-лар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпи-онлигида юртимиз ша-рафини Вячеслав Сергеев мурабийлик қилаётган терма жа-моамиз химоя қилди.

Қанозда эшқак эшиш бўйича туртликлар ўртасида 1000 метр ма-софага ўтказилган бел-лашувда Павел Зарков, Вадим Миньков, Серик Мирбеков ҳамда Мерей Медетовдан иборат жа-моамиз марра чизигини учинчи бўлиб кесиби ўтди ва жаҳон чемпи-онлигининг бронза меда-лига сазовор бўлди.

**Ш. ИСКАНДАРОВА,**  
«Ишонч» муҳбири

## ҚАЕРДАСИЗ... ОЙИЖОН!

ни соғайтириш учун бор имконини ишга солди. Саъи-харақатлар зое кет-мади. Фахринисонинг тили бийрон ниқди. Ёши угча тўлганда туриб ўтиради-ган бўлди. Аммо қўл-оёқлари барибир ишла-мас, юра олмасди. Фахри-нисо тўрт ёшга тўлганда саккиз ой ўтган бўлса-да, қўл-оёғи ишламас, ўтиролмади ҳам. Охир оқибат янги ота-онаси қизачани Урганч шаҳри-даги 11-сонли «Болалар уйи» (гўдақлар уйи)га олиб келиб топширди.

Бош шиfoxор, «Бола-лар уйи»нинг раҳбари Людмила Дзугаева бола-

кўзларидан изтироб чека-ётгани сезилиб турарди хо-лос.

Йўл олис. Қизилқум саҳ-расин, сархазндиз даштлар, сўлим бог-роғлар ортада қолди. Фахринисо йўлда на таом еди, на гапирди. Тонг сахарда Қарши шаҳ-рига етиб келдилар. Уни «Ногиронлар уйи»га олиб бордилар. Сўнги лаҳза оғир кенди. Жажжи қиза-лоқ Людмила Руслановна-нинг кўксига бошини қўйдди. Унинг оҳ-ноласи юракни ларзага соларди. «Ташлаб кетманг мени ой-ижон! Ташлаб кетманг!» - фарёд қиларди у.

Людмила Руслановна

билан парвариш қилинаё-тир. Уларнинг келиб қолиш тарихи турлича.

Шарт-шароит қўнгилда-гидек, 2 нафар шиfoxор, 4 нафар тиббиёт ҳамшираси, 11 нафар тарбиячи, 6 на-фар энага, жами 35 нафар жамоа ахли улар атрофида парвома. «Болалар уйи»да-ги саранжом-сарихатлик қўли гул, эъзоали аёллар меҳнат қилаётганидан да-лолатдир. Яхшиларнинг саъи-харақати билан «Бо-лалар уйи» биноси таъмир-ляняпти. Бунда таъмирчи усталар билан бир қаторда жамоа ахли ҳам меҳнат қиляпти.

Сирасини айтганда, жа-

**ISHONCH**  
Муассис:  
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир  
Мириёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳўжаева, Мазмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Соҳиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Котибият 56-52-78;  
Хатлар бўлими 56-85-43;  
Газета 1991 йил 21 мартдан чика бошлаган  
Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топшириди - 21.20

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.  
ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.